# МАВЗУ:
# Таваккалнинг турлари, уни бошқариш тамойиллари, босқичлари ва услублари

# Режа:

1. Таваккал ва унинг турлари.
2. Таваккални бошқариш тамойиллари.
3. Тавакккални бошқариш босқичлари ва услублари.

# Хавф таърифи

- **Хавф** – ҳаёт-фаолият хавфсизлигининг марказий тушунчаси бўлиб, у ходиса, жараён ва объектларнинг инсон соглигига тўгридан-тўгри ёки билвосита маълум шароитда қандай даражада зарар етказиш кобилиятини кўрсатади, яъни кўнгилсиз окибатларга олиб келади.
- Таҳлилнинг мақсадига кўра хавфни характерловчи белгилар сони кўпайиши ёки камайиши мумкин. ХФХ даги хавфга берилган юкоридаги таъриф мавжуд бўлган стандарт тушунчаларни (хавфли ва зарарли ишлаб чикариш омиллари) ўзига тортувчи, хамда фаолиятнинг хамма турларини хисобга олувчи жуда салмокли тушунчадир.
- Ҳар қандай энергияга, кимёвий ёки биологик фаол ташкил қилувчиларга эга бўлган, ҳамда параметрлари инсон ҳаёт - фаолият кечириш шароитларига тўғри келмайдиган кўрсаткичларга эга бўлган ҳар қандай тизим хавф туғдиради.

# Таваккални бошқариш

- Жамиятда хавфсизлик даражасини қандай кўтариш мумкин?
- Бу хавфсизлик назарияси ва амалиётининг асосий саволидир.
- Юқоридаги мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги 3 та йўналишга маблағ сарфлаш лозим:

  - техник системалар ва объектларни такомиллаштириш;
  - хизмат кўрсатувчи ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш;
  - фавқулодда вазиятларни бартараф қилиш.

- Априор ҳолатда ҳар бир йўналиш бўйича маблағлар нисбатини аниқлаш қийин.
- Бунинг учун аниқ маълумотлар ва шароитларни қўллаган ҳолда махсус таҳлил зарур бўлади.
- Таваккални қабул қилиш техносферада хавфсизликни оширишда принципиал янги имкониятларни яратади.
- Хавфсизликни бошқаришнинг техникавий, ташкилий, маъмурий усулларига таваккални бошқаришнинг иқтисодий усуллари қўшилади. Буларга: суғурта, зарарга пул қопламаси бериш, таваккал учун тўловлар ва бошқалар киради.

- Таваккал учун қонуний тартибда кафолатлар (квоталар) киритишни мутахассислар мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдилар.
- Соҳада таваккални ҳисоблаш учун асосли маълумотлар зарурдир.
- Ҳозирги кунда аниқ маълумотларга бўлган чуқур талаб дунёнинг ҳамма томонида миллий ва халқаро даражада тан олинган.

- Асосли, пухта яратилган маълумотлар банки ва базаси ишлаб чиқилган бўлиши керак ва улар корхона, регион миқёсларида тўғри амалга оширилиши, қўлланилиши зарур.
- Хулоса қилиб айтганда, таваккални бошқариш асосида таваккални камайтириш ҳисобига олинган фойдани ва харажатни таққослаш усули ётади.